

№ 27
2020-yil, 5-avgust
Chorshanba (32.621)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

O'zbekiston O'VOZI

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Эътироф



2020 йил 16-17 июль кунлари Самарқанд давлат университетида "Самарқанд давлат университети — Улуғбек мадраси олиясининг вориси" мавзусида халқаро онлайн конференция бўлиб ўтган эди. Мазкур анжуманда ўнлаб халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва мутасаддилари, дунёнинг нуфузли университетлари ректорлари, таниқли халқаро экспертлар иштирок этди.

Коронавирус COVID-19 бўйича маълумот берувчи 1105 Call маркази



1105 CALL маркази аҳолига COVID-19 бўйича тиббий маслаҳат беради
24 соат давомида узлуксиз ишлайдиган марказга 360 нафар тажрибали тиббиёт ходими жалб қилинган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи фармацевт, психолог ва тиббиёт ходимларидир.
Марказ иш бошлаган пайтда бир кеча-кундузда 11 мингга яқин кўнғироқ қабул қилинган бўлса, бугунга келиб, 3 мингга яқин мурожаатга жавоб берилмоқда.



Криста ПИККАТ, ЮНЕСКО Марказий Осиё Кластер ваколатхонасининг раҳбари:

— Самарқанд давлат университети Улуғбек мадрасасининг вориси мавзусига бағишланган халқаро онлайн-конференцияда иштирок этганимдан жуда хурсандман.

Конференция дастурига киритилган маърузалар Мирзо Улуғбек мадрасаси ва замонавий таълим тизимида асос солинган сананинг 600 йиллигига бағишланган. Дастурдан кўрииб турибдики, илмий анжуманда бой таърифага эга йирик мутахассислар қатнашди.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг марказларидан бири бўлган Марказий Осиё ва унинг "юраги" Ўзбекистон жаҳон фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалар ва мутафаккирларнинг ватанидир.

Буюк математик ва астроном, давлат раҳбари, илм-фан, маънавият ва маърифат фидойиси, комусий олим Мирзо Улуғбек ушбу мутафаккирлар қаторида алоҳида ўрин эгаллайди.

Амир Темур ва Темурийлар Ренессансининг шаклланиши ва ривожланишида Марказий Осиёдаги қадимий маданият ва маърифат марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳри муҳим аҳамият касб этади.

Шарқ кўлэмаларини таҳлил қилганда, Ўрта асрлар даврида илм-фан ривожига жадал ривожлангани кўзга ташланади. Уша пайтдаги илм-фан ва таълим жараёни ҳолатини таҳлил қилган Мирзо Улуғбек жамият равиши ва барқарор ривожланишида замонавий таълим ва таълим олиш ҳуқуқига барча фуқаролар эга бўлиши муҳимлигини англаб минтақада бир қатор мадрасалар қуришга киришган.

Манбаларда кўрсатилганидек ушбу Улуғбек мадрасаси — мадраси олия мақомига эга бўлиб, унга туташ яна бир неча мадрасалар ўз фаолиятини ҳамкорликда олиб борган.

ЮНЕСКО фаолиятида ҳамкорликда ташкил қилинган кафедралар алоҳида эътиборга сазовор. Шунинг учун Самарқанд давлат университетида ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд тарихи кафедрасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман ва ташкилотимиз томонидан амалий ёрдам кўрсатишга тайёرمىз.

Мазкур кафедра ходимлари бир қатор нуфузли университетлар жамоалари билан ҳамкорликда минтақадаги илм-фан, таълим, маънавият ва маърифат тарихини ўрганиб, ушбу жараёнларнинг бугунги кунга мос ютуқларини чуқур таҳлил этиб, университетларда қўллашлари мумкин бўлади.

ЮНЕСКО ташкилоти фан ва таълим тарихига бағишланган изланишлари, лойиҳаларни хар доим қўллаб-қувватлайди. Мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг ишларига бефарқ эмас.

Тарих бу бизнинг, келажикимиз ҳаётимизга бўлган тўғри муносабатимиздир.

Мен Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчиларини, талабаларини СамДУнинг 600 йиллиги билан табриқлайман. Ушбу йўналишдаги ишлар давом этишига, янги-янги маълумотлар ва мактаблар топилишига ишонаман.

ON-LINE ФРАКЦИЯ

Ҳужжатларни рақамлаштириш вақт ва маблағ тежаш имкониятидир

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Видеомулоқот шаклида ўтказилган йиғилишда қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Дастлаб Архив иши тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.



Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари қўллаб-қувватланади

Кўмакка муҳтож 400 мингдан ортиқ оиланинг ҳар бир аъзосига БИР МАРТАЛИК моддий ёрдам берилади.

ЖАМИ 1 МЛН 700 МИНГ КИШИГА 380 МЛРД СЎМ ТАРҚАТИЛАДИ

Пенсия ва нафақалар яна 10% га ошади.

Бу 2,8 млн кексалар, 687 миң ногиронлар бўлган шахслар, 210 миңдан ортиқ боқувчисини йўқотганларни пандемия даврида моддий қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони 600 миңдан 1 млн 200 миңга етказилади.

Бунинг учун 426 млрд сўм сарф-харажат қилинади.

2020 йилнинг июль-сентябрь ойларида тугайдиган ижтимоий нафақалар тўлаш 6 ой муддатга узайтирилади.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фондиди қўллаб-қувватлаш учун 150 млрд сўм маблағ ажратилади

Фармонда кўзда тутилган аҳолини қўллаб-қувватлашга 2020 йилнинг охиригача бюджетдан жами қўшимча 2,5 трлн сўм йўналтирилади.

МАНБА: "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент Фармони

@huquqiyaxborot

«ДУНЁ ИМОРАТЛАРИ ИЧИДА ЭНГ УЛУҒИ МАКТАБДИР»

Ёки бир мактабнинг икки ўқувчиси хорижий давлатларнинг 30 дан ортиқ олий ўқув юртига имтиҳонлардан муваффақиятли ўтгани ҳақида



ҚҲМИТА РАИСИ БИЛАН СУҲБАТ

Шарофиддин НАЗАРОВ:

«ВАЗИЯТ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТНИ КҲИШ ЭМАС, УНГА МОСЛАШИШ КЕРАК»



Одамлар янги парламентдан жуда катта ўзгаришлар кутяпти. Айтиш керакки, янги парламент бошланган XXI асрнинг иккинчи 10 йиллиги янги Ўзбекистонни қуриш билан бир даврга тўғри келди. Депутатлар олдида турган энг асосий вазифа давр талабидан келиб чиққан ҳолда янги қонунлар қабул қилиш, мажбур ҳужжатларни бузунги кунга, замонга мослаштириш, модернизациялашдан иборат. Бироқ янги парламент ўз фаолиятини коронавирус пандемияси карантини шароитида бошлашига тўғри келди. Шу сабабли белгилаб олинган иш режаларига жиддий ўзгариш киритилишига мажбур бўлинди.

Хусусан, ҳаётнинг ўзи Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасига пандемия шароитида иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли даромадлари камайиб кетишининг олдини олиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қонуний асосларни такомиллаштириш вазифасини юклади. Ушбу вазифалар қай даражада амалга оширилмоқда? Саҳифамиз меҳмони қўмита раиси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шарофиддин НАЗАРОВ бўлди.

— Утган вақт давомида қонун ижодкорлиги йўналишида қўмитамиз 8 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шундан 5 қонун лойиҳаси қабул қилинди, 3 таси иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрланмоқда. Шунингдек, қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича 32 марта ишчи гуруҳлар ва 3 та экспертлар гуруҳи йиғилиши ташкил этилди. Ана шу йиғилишлардаги муҳокама ва мунозаралар натижасида қўмитага келиб тушган қонун лойиҳаларининг 5 таси концептуал жиҳатдан қайта ишланди. Улардан 2 таси қарийб 60-70 фоизгача узгартирилди.

Парламент аъзоларининг яна бир муҳим вазифаси назорат таҳлил ишларини олиб бориш ҳамда эшитувларини ташкил қилиш ҳисобланади. Вазирлик ва идоралар, ижро органларининг олиб бораётган фаолияти ҳақидаги ахборотларни эшитиш йўлига қўйилган. Хусусан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, яширин иқтисодиётни камайитириш бўйича қўмитамиз бевосита эшитув ташкил қилди. Унда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ахборотини эшитдик.

Пандемия айрим соҳаларда мураккабликларни юзага келтирган бўлса, рақамли иқтисодиёт, рақамли технология тушунчаларини тез суръатларда ривожлантириш юборди. Бу бизнинг фаолиятимизда ҳам акс этмоқда. Эшитувларда турли илмий муассасаларнинг олимлари, экспертларини ҳам кенг жалб қилиш имкони юзага келди. Натижада эшитувлар қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Айнан бугунги пандемия шароитида юзага келган иқтисодий қийинчиликларнинг ечимини билан боғлиқ танқидий таҳлилий масалалар ўртага ташланди. Мамлакат ичида аҳоли даромадлари пасайиб кетишининг олдини олиш, инфляцияни жиловлалаш билан бирга, ташқи иқтисодий алоқаларни сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди. Экспорт масаласи, четдан келаятган инвестициялар қўламини кенгайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

— Бугунги вазият қонунчиликка қандай ўзгаришлар киритиш кераклигини кўрсатди? Умуман, айна пайтда қўмита қозони нималар билан қайнамоқда? — Давлатимиз раҳбари парламент олдида бир қанча масалаларда, хусусан, миллий стратегияни ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Яширин иқтисодиётга барҳам бериш мақсадида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда миллий стратегия ишлаб чиқишимиз

жамияти ва акциядорларнинг таъкидлашича, соҳада баъзи муаммолар бор. Ана шуларни ечиш мақсадида тузилган йўл харитасига мувофиқ қонунлар мавжуд. Биз уларни қайта кўриб чиқаямиз. Ички тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштириш, юртимиз ишбилармонлари нуфузини юксалтириб, чет эллик инвесторларга жозибадорликни ошириш нўқтани назардан ёндашилмоқда. Уйлайманки, чуқур ва пухта ўйланган масала юзасидан тайёрланаётган лойиҳалар келгусида албатта самара беради.

— Парламент эшитиши масаласида қандай янгиликлар бор? — Монопол қорхоналар графигини тузиб чиққанми ва шу асосда эшитувларни йўлга қўйганми. Монополияга қарши курашишда бу муҳим саналади. Чунки биз масаланинг ичига кириб бормасдан унинг моҳиятини тушунишимиз қийин. Қонунчиликка ўзгариш киритиш ҳам айнан шу билан боғлиқ. Шундай экан, муаммолар қачон ва қандай ҳосил бўлди, қай тариха ечим топиши зарур экани ҳақида тасаввурга эга бўлиш, масалани тўғри англаб олишда эшитувларнинг аҳамияти катта.

Бундан ташқари, иқтисодиётни барқарорлаштириш, яширин иқтисодиёт масалаларида ҳар чорақад эшитувлар режалаштирганми. Аҳолининг қилишни мўлжаллаётгани.

Сугурта фаолияти ҳам мамлакатимизда яхши йўлга қўйилмаган. Пандемия шароитида, айниқса, бу сезилиб қолди.

— Янги қонунлар, қарор ва фармонлар бўладими, ҳар бир депутат бундан хабардор. Улар сайловчиларни янгилик билан таништириши керак. Масалан, тадбиркорликни мувофиқлаштириш билан боғлиқ 54 та йирик қонун бор. Айни пайтда уларнинг инвентаризацияси муҳим саналади ва биз шу йўналишда иш олиб бораемиз.

— Пандемия қўллаб-қувватлашнинг зарурати юзага келди. Бунинг учун аввало, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ҳамда нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймадик зарур. Мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда импорт қилинадиганларини юртимизга олиб келиш жараёнини ишчи гуруҳлар тузган ҳолда мониторинг қилиш, танқидий ўрганишимиз лозим.

— Пандемия қўллаб-қувватлашнинг зарурати юзага келди. Бунинг учун аввало, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ҳамда нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймадик зарур. Мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда импорт қилинадиганларини юртимизга олиб келиш жараёнини ишчи гуруҳлар тузган ҳолда мониторинг қилиш, танқидий ўрганишимиз лозим.


— Пандемия қўллаб-қувватлашнинг зарурати юзага келди. Бунинг учун аввало, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ҳамда нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймадик зарур. Мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда импорт қилинадиганларини юртимизга олиб келиш жараёнини ишчи гуруҳлар тузган ҳолда мониторинг қилиш, танқидий ўрганишимиз лозим.

— Пандемия қўллаб-қувватлашнинг зарурати юзага келди. Бунинг учун аввало, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ҳамда нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймадик зарур. Мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда импорт қилинадиганларини юртимизга олиб келиш жараёнини ишчи гуруҳлар тузган ҳолда мониторинг қилиш, танқидий ўрганишимиз лозим.

Infographic titled 'КАРАНТИН ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ'. It lists various support measures for businesses and citizens during quarantine, including tax benefits, subsidies, and simplified procedures. It also includes contact information for the State Audit Commission and the State Agency for Support and Development of Small and Medium Enterprises.

Аҳолини дори воситалари билан узлуксиз таъминлашга ким масъул?

Ҳозирги синови даврда айрим дори воситалари ҳамда тиббий буюмларнинг нархи асоссиз оширилгани кўпчилиқнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Фуқаролар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини ижтимоий тармоқларда ёзиб қолдирмоқда, масъулларга шикоят қилмоқда. Мазкур вазият кишини ўйга толдиради. Бугунги оғир кунларда соғлом фикрли, диёнатли кишилар бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Саховатпеша инсонлар элнинг оғирини енгил қилиб, дуосини олмақда. Афсуски мушкул вазиятдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринаётганлар ҳам учрамоқда. Одамларнинг дарди, ташвиши ҳисобидан муамма пул топишни ўйлаётганлар баҳосини халқ билади. Бу гуноҳнинг бадалини ҳам билади, деб ўйлаймиз.



Хабарингиз бор, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ, юқорида таъкидланган маҳсулотларнинг улгурчи ва чакана реализацияси, аҳолини хавфсиз ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш муносабатлари тартибга солинган. Бироқ коронавирус пандемияси, айниқса, уйда доволаш ва профилактика масаласи жиддийлашгани сари дориларга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Натижада сифатсиз, қалбақлаштирилган, республикамизда рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг гайриқонуний тарзда мамлакатимизга олиб кириш ҳолатлари ҳам кузатиляпти. Энг ачинарлики, айрим уддабурон «тадбиркор»лар дори воситаларининг сунъий тақчиллигини келтириб чиқармоқда.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди. Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.

Соҳа бўйича чуқур ўрганиш ва таҳлиллар, кузатиш ва тажриба алмашишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таркибидога Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

ЎЗ ВАҚТИДА ОГОҲЛАНТИРАМИЗ,

кутқарамиз ва ёрдам берамиз

Мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини турли кўринишдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш республикамиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бугунги фан ва технологиялар асри, дунё табиати ва ҳаётида кечадиган табиий ва техноген ҳамда экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳоли ҳамда ҳудудларни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида, шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган. Айни кунларда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимини ҳам янгилаш ва ислохотлар жараёни изчил давом эттирилмоқда.

Кейинги йилларда бу соҳага эътибор кучайганини кўриш мисоллардан ҳам билса бўлади. 2017 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самардорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2 июнда эса "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида"ги муҳим қарорлар соҳа фаолиятида янги тарихий даврни бошлаб берди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси, шунингдек, Фанлар академияси Сейсмология институтининг Тезкор хабарлар хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармони фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимини янада янгилаш ва такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимиз фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида навабдаги тарихий саҳифалардан бирини очди, десак, хато қилмаган бўламиз.

Соҳа бўйича чуқур ўрганиш ва таҳлиллар, кузатиш ва тажриба алмашишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таркибидога Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида ҳам назарда тутилган бўлиб, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлиги қайта таъкидланган. Оқорда зикр этилган ташкилотнинг вазирлик тизимига ўтказилиши муносабати билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини янада янгилаш ва такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимиз фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида навабдаги тарихий саҳифалардан бирини очди, десак, хато қилмаган бўламиз.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида ҳам назарда тутилган бўлиб, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлиги қайта таъкидланган. Оқорда зикр этилган ташкилотнинг вазирлик тизимига ўтказилиши муносабати билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини янада янгилаш ва такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимиз фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида навабдаги тарихий саҳифалардан бирини очди, десак, хато қилмаган бўламиз.


Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида ҳам назарда тутилган бўлиб, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлиги қайта таъкидланган. Оқорда зикр этилган ташкилотнинг вазирлик тизимига ўтказилиши муносабати билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини янада янгилаш ва такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимиз фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида навабдаги тарихий саҳифалардан бирини очди, десак, хато қилмаган бўламиз.

СЕНАТОР МУНОСАБАТИ

ИНСОНГА ЭЪТИБОР ОРТМОҚДА

Президентимизнинг ҳар бир Фармон ёки қарори, селектор йиғилишлари қайси соҳага бағишланмасин, уларнинг мазмун-моҳиятида энг аввало инсонга эътибор, халқ саломатлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш биринчи ўринга қўйиб келинмоқда. Пандемиянинг ҳозирги синобли кунларини бошидан кечираётган халқимиз бу ғамхўрликни кўриб, билиб турибди. Куни кеча эълон қилинган "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори ҳам фикримизнинг далилидир. Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида барчамизнинг диққат-эътиборимиз яна бир марта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтижманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни, хусусан, халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намояндаларнинг "Саховат ва кумак" умумхалқ ҳаракатини янада кучайтиришга қаратилди.

Қурбон ҳайити кунларида амалга оширилган ишлар халқимиз қадриятлари улуғланаётганининг ёрқин мисоли бўлди. Фармонда жорий йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилиши фуқаролар қайфиятини кўтарди.



Ушбу фармон асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бўлинмалари раҳбарлари – пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларини шакллантириб, уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилиши ишларини бошлаб юбордилар. Қорақалпоғистонга ажратилган 10 миллиард сўм мутасадди ташкилотлар, аниқса, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда уюшқоқлик билан ночор, боқувчисини ивуқотган, кўмакка муҳтож оилаларга тарқатилмоқда. Куни кеча Хўжайли туманида 6352 ночор оилга 817 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари етказиб берилди. Мўйноқ туманида 382 оилга 289 миллион сўм нақд пул, 31 миллион сўмлик турли озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундай тадбирлар барча туманларда уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Фармонда белгилаб ўтилган жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик гоиларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш ишлари ҳам ҳамжихатлик билан олиб борилмақда. Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

АЛИМЕНТ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА УНДИРИЛАДИ?

БОЛАГА АЛИМЕНТ ТўЛАШ ТАРТИБИНИ ОТА-ОНА ЎЗАРО КЕЛИШГАН ҲОЛДА БЕЛГИЛАШГА ҲАҚЛИ. АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТИ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА БАЖАРИЛМАСА ОТА (ОНА)ДАН СУД ҲУЖАТЛАГА АСОСАН УНДИРИЛАДИ

АЛИМЕНТ ҚАЧОНДАН БОШЛАБ УНДИРИЛАДИ?

- Алимент судга мурожаат этилган пайдан бошлаб
- Таъминот олиш чоралари судга қўрилган, бироқ алимент тўловчи шахс уни тўлашдан бош торганлиги аниқланса, судга мурожаат этилган пайдан бошлаб **ўтган уч йиллик давр** учун алимент ундирилиши мумкин

АЛИМЕНТ ҚАЧОНГАЧА УНДИРИЛАДИ?

- 18 ёшга етгунча қадар
- Воёга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга алимент ундирилиши мумкин

АЛИМЕНТ ҚАНЧА МИҚДОРДА УНДИРИЛАДИ?

Алимент суд томонидан белгиланганда ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг:

- **бир бола учун** — тўртдан бир қисми
- **икки бола учун** — учдан бир қисми
- **уч ва ундан ортиқ бола учун** — ярмиси миқдорда ундирилади

! +26,5%

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **26,5** фоизидан кам бўлмастлиги керак

БОЛАГА АЛИМЕНТ ТўЛАШ ҲАҚИДАГИ СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШДАН БўЙИН ТОВЛАШ ҚУЙИДАГИЛАРГА САБАБ БўЛАДИ:

- ☑ **СТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАЪРУМ ҚИЛИНАДИ**
- ☑ **МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА** тортилади: **15** сутка муддатга маъмурий қамоққа олиш ёки **БҲМнинг 20 баравари** миқдорда жарима
- ☑ **ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА** тортилади: **2** йилдан **3** йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки **3** йилгача озоқликдан маърум қилиш.

Агар алимент тўловчи ишламаса, алимент **ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича** ҳисоблаб чиқилади

Бола учун алимент у воёга етгунча қадар қўчмас ёки қўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашёни бериш йўли билан **олдиндан тўланиши мумкин**

Боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган **қўшимча харажатлар** суд ҳужжатига асосан **қатъий суммада ундирилиши мумкин**

Алимент тўловчининг бошқа воёга етмаган болалари бўлиб, ундан алимент ундирилганда уша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан қамроқ таъминланиб қоладиган бўлса, алимент миқдори **суд томонидан камайирилиши мумкин**

Бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд тўланаётган алимент миқдорини камайирилиши ёки ота (она)ни алимент тўлашдан озоқ қилиши мумкин

Азамат СУЮНОВ, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги "Муҳофазат" журналі ва "Вазият" газетаси бирлашган тахририяти Бош муҳаррири.

МАНБА: СУДА ҲОДДАСИ (2004-1999 й.) @huquqiyaxborot

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИМИЗ ҒАЛАБАЛАРИ ЯНАДА ЮКСАК БЎЛИШИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ.

60 давлат вакиллари орасида

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИККИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ВА ИККИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ

халқаро олимпиада
ғолиблари сафидан жой олди

Жорий йилда 52-Халқаро кимё олимпиадаси Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган режалаштирилган эди. Аммо дунёда юзага келган эпидемиологик вазият инobatга олиниб, мазкур олимпиада 25 июль куни масофавий тарзда ўтказилди. Маълумотларга қараганда, кимё фанидан энг нуфузли ҳисобланадиган мазкур олимпиадада дунёнинг 60 давлатидан жами 235 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этган.

Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон шарафини 2018/2019-ўқув йилида республика фан олимпиадасида ва кўшимча республика олимпиадаси ғолиблари орасидан саралаб олинган 4 нафар иқтидорли ўқувчи химоя қилди ва қуйидаги натижаларни қайд эттиди:

- Мирумид МИРАҚБАРОВ (Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги академик лицей) – кумуш медаль;
- Дилшодахон ИСАЕВА (Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги академик лицей) – кумуш медаль;
- Фирдавс Собиров (35-мактаб, Бухоро шаҳри) – бронза медаль;
- Акобир Нарзуллаев (49-мактаб, Бухоро вилояти, Жондор тумани) – диплом.
- Ғолибларнинг кумуш ва бронза медаллари ва дипломлари Туркиядаги ташкилий кўмига томонидан почта орқали жўнатилди.
- Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу



олимпиада шартларини ўқувчилар лаборатория кимёвий тажрибаларисиз, фақат назарий тарзда бажаришиди. Олимпиада синов жараёнини назоратчилар 4 та веб-камера ёрдамида кузатиб боришди.

Масофавий олимпиада Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги академик лицейда санитария гигиена ҳамда карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ташкил этилди.

Бундан ташқари, 13-18 июль кунлари Ўзбекистон ўқувчиларидан ташкил топган Республика терма жамоаси 54-Халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам иштирок

эти. Бутун дунёдаги эпидемиологик вазият инobatга олиниб, бу олимпиада ҳам онлайн (масофавий) тарзда ўтказилди.

Унда Австрия, Саудия Арабистони, Озарбайжон, Македония, Арманистон, Исроил, Беларусь, Венгрия, Болгария, Сурия, Грузия, Латвия, Эрон, Литва, Туркия, Россия каби дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакат и ёшлари масофадан туриб иштирок этди. Кимёвий тажрибаларисиз иккита назарий босқич тартибда ўтказилган мазкур халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз академик лицейи ва мактаб ўқувчиларидан иборат Ўзбекистон



жамоаси ҳам иштирок этиб, ғолиблар қаторидан ўрин олди.

Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги академик лицейи ўқувчиси Мирумид МИРАҚБАРОВ халқаро олимпиадада ғалаба қозониб, шу кунга қадар кимё фанидан юртимиз жамоаси кўлга киритган медаллар қаторига 10-олтин медални олиб келди.

Қолаверса, ушбу ТПТИ академик лицейи ўқувчилари Дилшодахон ИСАЕВА, Рустам ТҲУХТАБОЕВ ва Тошкент давлат аграр университети хузуридаги академик лицейи ўқувчиси Собиржон ОМОНОВлар бронза медалларини кўлга киритишди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг икки нафар ўқувчиси ҳам бронза медали билан тақдирланди.

Шу ўринда, мана шундай нуфузли олимпиадаларда муносиб иштирок этиб,

олтин, кумуш ва бронза медалларни кўлга киритаётган ҳамда юртимиз байроғини дунёнинг кўплаб давлатларида юқорига кўтарётган ўқувчиларнинг устози ҳақида ҳам бир оғиз тўхталиб ўтмоқчи эдик.

Бу инсон юксак билимли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчини ўзига хос истеъдодини шакллантириш ва уни рўёбга чиқариш борасида ўз мактабини яратган мохир педагог, салоҳиятли олим, шу билан бирга, халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларнинг муваффақияти билан Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини ва қудратини оширишга катта ҳисса қўшаётган Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги академик лицейи директори Ортиқбой Эшонқуловдир.

— Халқаро Менделеев олимпиадаси низомида унда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун талабгорлар икки мартаба кузатувчи бўлиб иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган эди, — дейди профессор Ортиқбой Эшонқулов. — Шу боисдан, 2010 йил Жанубий Кореяда ҳамда 2011 йилда Туркияда ўтказилган Менделеев олимпиадасида кузатувчи бўлиб иштирок этдик. Шундан сўнг, республикамиз таълим тизими тарихида илк бор халқаро Менделеев олимпиадасида ва кейинчалик жаҳон олимпиадаларида лицейимиз ўқувчилари иштирок этиб, биринчи бор олтин медалларга сазовор бўлиб, Ўзбекистон байроғи баландларга кўтарилди. Кейинчалик, ўтган йиллар давомида, яъни 2012 йил Америка Қўшма Штатлари, 2013 йил Россия, 2015 йил Озарбайжон, 2016 йил Грузия, 2017 йил Таиланд, 2018 йил Словакия ва Чехия, 2019 йил Францияда бўлиб ўтган кимё фанидан жаҳон олимпиадаларида ҳамда халқаро

Менделеев олимпиадаларида халқаро ҳакамлар ҳайъати аъзоси бўлиш билан бирга, Ўзбекистон терма жамоасига раҳбарлик қилганман.

Академик лицейи ўқувчилари Россия, АҚШ, Туркия, Қозғистон, Жанубий Корея, Сингапур, Дания, Индонезия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Беларусь, Эрон, Арманистон, Словакия ва Чехия, Франция ҳамда Венгрия каби кўплаб давлатларда бўлиб ўтган халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида ўз йўналишларида илмда тенгсиз эканликларини кўрсатишди.

Буни уларнинг ўтган йиллар давомида жаҳон ва халқаро Менделеев олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, жами 70 та, жумладан, 10 та олтин, 20 та кумуш ва 40 та бронза медалларига сазовор бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, лицейи ўқувчиларининг илм-фан соҳасида эришган ютуқлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Хусусан, уларнинг бир қанчаси, яъни 2013 йилда «Шухрат» медали, 2016 йилда «Ўзбекистон белгиси» ҳамда 2019 йилда «Мард ўғлон» кўкрак нишонлари ва 2020 йилда эса «Зуфия» номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишган.

Бу ютуқлар биринчидан, мамлакатимизда истеъдодлар кўплигини кўрсатади. Иккинчидан, ёшларимизнинг муваффақиятлари замирида Ортиқбой Эшонқулов сингари фидойи устозларнинг заҳматли меҳнати муҳассам.

Бундан буён истеъдодли ёшларимиз ғалабалари янада юксак бўлишига ишончимиз комил.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази»

19 августа 2020 года в 15.00 в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

- Автотранспортные средства, принадлежащие ООО «Каракалпак шарап сауда» Республики Каракалпакстан:
 - Автомашина марки «Ваз-21013», 1986 года выпуска, гос. номер 95/907AAA. Начальная цена — 3 042 000 сумов.
 - Автомашина марки «Уаз-330301», 1986 года выпуска, гос. номер 95/730AAA. Начальная цена — 14 377 500 сумов.

боты и воскресенье. Прием заявок прекращается 18 августа 2020 года. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амира Тимура, дом №122а. Телефоны для справок: (61) 222-55-84-93-367-77-25

Каракалпакский филиал ООО «Capital realtor group»

19 августа 2020 года в 12:00 в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

- На основании письма (заявки) ООО «Каракалпак шарап сауда» Республики Каракалпакстан за №59 от 09.04.2020 года. Здание принадлежащие ООО «Каракалпак шарап сауда» Республики Каракалпакстан.
- Здание кафе чайхана и торговый магазин с общей площадью 506,1 кв.м. Начальная цена: 1 096 196 400 сумов. Расположено по адресу: г. Нукус, 21 микрорайон, МСГ «Тунгышконьс», дом №18А.
- Здание магазина и чайхана с общей площадью 226,3 кв.м. Начальная цена: 360 100 800 сумов. Расположено по адресу: г. Нукус, ул. Ж. Сапашев, дом №2/1.
- Здание центра услуг населению с общей площадью 56,4 кв.м. Начальная цена: 117 289 800 сумов. Расположено по адресу: г. Нукус, МСГ Турон, ул. Каракалпакстан, дом №25/7.
- Жилая квартира №33 с общей площадью 84,26 кв.м. Начальная цена: 225 540 900 сумов. Расположено по адресу: г. Нукус, МСГ Турон, ул. Каракалпакстан, дом №25.
- Жилая квартира №26 с общей площадью 37,58 кв.м. Начальная цена: 135 491 400 сумов. Расположено по адресу: г. Нукус, МСГ Турон, ул. Каракалпакстан, дом №25.

Принимать участие в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 18 августа 2020 года. Покупатель вносит залог не менее 5 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000904927571009, МФО 01038, ИНН 207126662 КК филиала ООО «Capitalrealtorgroup» в Нукусском филиале АКБ «Капитал банк». Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амира Тимура, дом №122а. Телефон для справок: (61) 222-83-41.

Услуги лицензированы.

ПОПРАВКА

1. В объявлении Каракалпакский филиал ООО «Capital realtor group», опубликованном в газете «Биржа» от 21 марта 2020 года за №32 (2659) начальную цену Здания отдела связи расположено по адресу: Амударьинский район, ССГ «Бобур» следует читать 91 550 000 сумов. Остальные по тексту.

Администрация Каракалпакский филиал ООО «Capital realtor group».

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 5 август куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлиб, ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 21-23, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 20-25, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 22-27, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво бироз

булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-25, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-27, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-25, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17 даража илқ, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

ЎЗА

ЗАВОД «KRANTAS»
производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

OZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|-------------------|-----------------------|----------------------|
| Ulug'bek INOYATOV | Qalandar ABDURAHMONOV | Hayotxon ORTIQBOYEVA |
| Ulug'bek VAFOYEV | Guliston ANNAQLICHEVA | Toshtemir XUDOYQULOV |
| Mahmud TOIR | Muslihidin MUHIDDINOV | |

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyrat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 851. 1826 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 19:20.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

